
Фарзандларни моддий таъминлаш – ота-онанинг конституциявий бурчидир

Қува тумани прокуратураси томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда оилавий ажримларни олдини олиш, ажрим ёқасида турган эр-хотинларни яраштириш, алиментдан қарздор ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш ҳамда соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида “Фарзандларни моддий таъминлаш – ота-онанинг конституциявий бурчидир” ғояси асосида тадбирлар ташкил этилди.

Унда тумандаги никоҳдан ажрашган ва ажрим ёқасида турган эр-хотинлар, алимент тўловчи қарздорлар ва масъул ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида оиланинг муқаддас даргоҳ эканлиги, оилавий ажримларнинг салбий оқибатлари, боланинг таъминоти, таълими ва тарбияси масалалари алоҳида таъкидланди ҳамда оилаларни тиклаш ва сақлаб қолиш юзасидан тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида 32 млн.сўм алимент пуллари ундирилиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқи тикланишига ҳамда 8 та оилани яраштиришга эришилди.

Алимент пулини олишда қулайлик яратиш мақсадида ундирувчиларга 70 та банк пластик картаси тарқатилди.

Шу куни бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилиб, 38 нафар қарздор ишга жойлаштирилди ва алимент ундируви қарздорларнинг ойлик иш ҳақига қаратилди. 9 нафар қарздорларга нисбатан 47-4-моддаси билан жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Таъкидлаш лозимки, туманда оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларни олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар давомида 274 та оила яраштирилган.

2022-03-15 18:52:26